

Шарқ Ҳакми топди, дунёдан кечиб

Россиянинг www.islam.ru Интернет сайти (17 апрел 2009 йил)даги материалнинг шаҳодат беришича, бразилиялик таниқли ёзувчи, машҳур “Алкимёгар” асарининг муаллифи Пауло Коэло Сириянинг «Forward» номли англисзабон журнаliga берган яқиндаги интервьюсида ислом дининг тасаввуф анъаналари, айниқса, мутасаввиф шоир Жалолоддин Румий ижодиёти билан қизиқишига иқроқ бўлиб, «Алкимёгар» ва унинг яқинда нашр этилган “Заир” асарлари мазмунида айнан тасаввуф ғоялари билан суғорилганлини таъкидлади.

Бразилиялик таниқли ёзувчи Пауло Коэлонинг мазкур баёнотигача ўзбек адабий муҳити вакиллари томонидан Жалолоддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” ва Пауло Коэлонинг “Алкимёгар” романи фалсафасидаги ўхшашлик ҳайрат ила нисбат этилди. Жумладан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг жорий йил 3 апрелдаги сонидан таниқли адабиётшунос Зухриддин Исомиддиновнинг “Бир қатранинг фаввораси” номли мақоласида “улуғ шоиримизнинг “чўнтагидан тушиб қолган” кичкина лавҳа-“Маснавийи маънавий” дарёсининг бир қатраси дарёнинг нариги ёғидаги бир адибнинг қаламига озик берибди, яхшигина бир асар мағзига айланибди”, қабилида баҳолаиб, бу икки асарнинг нафақат сюжети, балки ғоялари ҳам айнан эканлигини таъкидланди. Ҳар иккала асардаги воқеалар вақт, замон нуқтаи назардан фарқлансада, воқеа макони Миср ўлкасида рўй берганлиги, фақатгина Пауло Коэло романида сахро-йўл хронотопининг қўшилиши эвазига воқеалар бир оз кенгайганини кузатиш мумкин”, деган хулосага келинди.

“Алкимёгар” асарининг тарбиявий довуғи бутун адабий олам узра донг таратиб (ададининг кўплиги бўйича Гиннес рекордлар китобига кирган), қисқа фурсат ичида 120 тилда бутун дунё бўйлаб, таржима қилинган, ҳатто рус халқи фарзандлари бу асарнинг хануз ўрта мактаб партасиданок ўрганила бошлашган мазкур роман сўзбошисида ёзувчи томонидан шундай ёзганди: “...Мана, “Алкимёгар” нима учун рамзий китоб бўлди, унинг саҳифаларида мен нафақат алкимё ҳақида билганларимни тасвирлаганман, балки Умумбашарий Тилни эгаллаган буюк ёзувчиларнинг: Хемингуэй, Блейк, Борхес (менинг китобим унинг бир ҳикоясидаги ўрта асрларда Эронда бўлиб ўтадиган воқеага ўхшаб кетади), Малба Тагана ва бошқаларнинг улуғ хизматларини эътироф этишга ҳаракат қилганман”.

Ёзувчи бирон ўринда Мавлоно Жалолоддин Румийни эътироф этмаган бўлса-да, Хемингуэй, Блейк, Борхесларнинг хизматларини алоҳида таъкидлайди.

Пауло Коэлонинг “Алкимёгар” асарига шарқона маданият руҳи уфуриб тургани боисидан ҳам кўпчиликнинг эътиборини торта олди. Ундан ташқари ёзувчи романда бир неча хил ҳикматли сўзларни келтириб, қаҳрамонини «Умумбашар тил» (Румийда «юз тилни билгувчи сирлар соҳиби)идан дарак берувчи аломатлар ортидан юришига ундайди ва ўқувчини фалсафий оламга ошно қилади. Китобхон романи ўқигач, ўзига нисбатан ишончи ортади, сабрли, шижоатли бўлишга рағбат сезади. Чунки ёзувчи қаҳрамон тилидан ортга чекинмасликни, мақсадга эришиш инсоннинг ўзигагина боғлиқ эканлиги ҳақидаги қарашларни илгари суради.

Аммо биз учун бразилиялик ёзувчининг асари яратилишида Мавлоно Жалолоддин Румийни Хемингуэй, Блейк, Борхесларнинг хизматлари қаторида эътироф этмагани ва узоқ муддатдан кейин (орадан 9 йил ўтиб) тасаввуф адабиёти, хусусан,

Жалолиддин Румий ижодиёти билан қизиқишига иқроп бўлгани анчайин эриш туюлди.

Шунинг учун нуқтабин ўзбек китобхонининг кўз олдида “Алкимёгар” асари мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам муқтадир асар сифатида гавдаланиши билан бирга асарни ўқиб, ҳаммаси ўзимизда аллақачон бор эди, ҳаммаси айтилган эди, дейишимиз табиий.

“Алкимёгар” рамзий асари ровиёна усулда ёзилган бўлиб, Шарқ мифлари, афсо-налари асосида қурилган ва асарнинг миллатимиз маънавий дунёсига, эътиқодига муштарак жиҳатлари кўп.

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиш учун ўз қалбига сафар қилсин, ҳамма нарса унинг ўзида мавжуд, мана Пауло Коэло асарининг бош ғояси.

Румий яна:

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,

Кўз бўлурми Ҳақни кўрмас бўлса ул? - деб талқин қилан эди.

“Худо бу дунёдаги ҳар бир банданинг йўлини аломатлар билан белгилаб қўйган, ҳазинага йўлни ўша аломатлар орқали топиб борасан. Аломатларнинг фақат сен учун ёзилганларини ўқий олмоғининг даркор”, - дейди Пауло Коэло.

Жалолиддин Румийнинг мазкур хикояси Пауло Коэлонинг юқоридаги мушоҳидасининг бадиий ифодасидир:

“Бир подшоҳ ўғлини хунармандларга қўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илми нужумдан ҳам дарс беришибди. Шоҳ ўғли ахлоқ бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаб олибди. Кунларнинг бирида подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлидан “Бунда не бор?” деб сўрабди. Бола: “Қўлиндаги думалок, сариқ, ичи бўш бир нарса”, -деб жавоб бергач, ҳайратга тушган ҳукмдор “Аломатларини тўғри айтдинг, энди номини айт” дебди. Ўғил “Ғалвир бўлса керак” деб жавоб беради. Подшоҳ “Мени ҳайрон этиб, олган таҳсилнинг шарофати билан аломатларини аниқ айтинг-у, аммо ғалвирнинг ҳовучга сиғмаслигига ақлинг етмадими!?” дебди”.

Румий ривоятдан шуни англаш керакки, инсонга берилган иш, сўз ва ҳоказоларнинг барчаси аломатдир. Уларнинг жавҳар билан алоқаси йўқ. Улар йўқ бўлгандан кейин қолган нарса жавҳардир.

“Алкимёгар” асарининг воқеаномаси сайёр сюжет-ми, ёки унинг ҳикмат-номаси Румий маъно ҳазинасининг замонавий талқини-ми, барибир, унда руҳ диалектикаси, инсон майллари, тушунча-тасаввурлари, эҳтиёж ва талаблари, изтироб ва қийноқлари, зиддиятлар ва мувофиқликлар, кураш ва ғалаба, йўқлик ва борлик, рўё ва ҳақиқат, жисм ва жон ва ҳоказолар ҳақида билдирилган фикрлар шунчалик чуқур ва шу қадар ёрқинки, бу фикрларни бундан етти юз илгари айтилганига ишонқирамай қоласиз, гоҳида гўё улар бугун айтилгандай туюлади.

Жалолиддин Румий ва Пауло Коэлонинг қарашларидаги бундай муштаракликлар, уларнинг таъкидларидаги ўхшашликлар тасодиф эмас, албатта. Моҳиятан чуқур фалсафий маънога эга бўлган, инсонларни бирлашишга, бир-бирини тушунишга даъват қилувчи бу асарлар замирида “динлар турлича, худо яккаю ягонадир” деган асосий концепция мужассам бўлиб, ушбу ғояни ўқувчига етказишга мўлжалланган бу икки адибнинг изланиш ва интилишлари асардаги образларда мажозий маъно юкланган.

Исмсиз ва ноаниқ мушоҳадаларимиз баъзида бизни бугун дунё тарбияшунослиги тарихдан янгича илҳом ва руҳ олмоқда, Ғарб ахлоқшунослиги инсон қалбининг шарқона ҳис-туйғулари, ранг-баранг зарблари, рухий дунёси, кечаги тарихий

кадриятни бадий ифода кўзгусига солиштириб кўз-кўз қилмоқда, деган хулосага чорлайди.

Қолаверса, буюк рус ёзучиси Лев Толстойнинг шахс ҳаёти ва ўлими ҳақидаги мулоҳазаларига Жалолоддин Румийнинг фалсафий қарашлари ҳам маёқ бўлгани, тафаккур водийсидаги бу уйғунлик ва муштаракликдан адабиёт тадқиқотчилари ҳам ҳайратга тушган эди.³

Рус шеърятининг қуёши Пушкин вафотидан кейин “шеърятда энди ёзадиган гап ҳам қолмади, ҳаммаси айтилиб бўлинди” қабилидаги фикр халқ орасида устивор эди.

Биз қуйида намуна сифатида Жалолоддин Румийнинг башариятга ва мангуликка дахлдор фалсафий асарларидаги айрим ҳикматлар ва билан бугун дунё ўқувчиларини ўзига мафтун ва мусаллам қилган Пауло Коэлонинг “Алкимёгар” романи фалсафасидаги маъно қатламларининг руҳий муштаракликдаги сатрлар сисилсиласини келтириш билан кифояландик.

Румийда:

Умид-ишонч йўлининг боши. Йўлда юрмасанг ҳам, доимо йўлнинг бошини кўзла. “Нотўғри ишлар қилдим” дема, тўғрилиқ йўлини тут. Ўшанда ҳеч қандай эгрилик қолмайди. Тўғрилиқ Мусонинг ҳассаси кабидир, эгрилик эса сеҳргарларнинг сеҳрига ўхшайди. Тўғрилиқ ўртага чиқиши билан уларнинг ҳаммасини ютади. Агар бир бора ёмонлик қилган бўлсанг, ўзингга ўзинг қилгандирсан. Сенинг ёмонлигинг бегонага қандай таъсир қилади.¹

Пауло Коэлода:

Олам руҳи одамзоднинг бахтидан қувват олади. Шу билан бирга қайғусидан ҳам, ҳасадидан ҳам, рашқидан ҳам. Инсоннинг яккаю ягона вазифаси бор ўз тақдири йўлидан охиригача бориш. Ҳамма гап шунда.²

* * *

Румийда:

Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу-ҳавас ва дард бордирки, агар юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, унинг кўнгли тинчимади. У ўзи машғул бўлган ишда, санъатда, илми нужумда, ҳақимликда...Бироқ буларнинг ҳеч биридан ҳузур-ҳаловат тополмайди. Чунки, у истаган нарсасини қўлга киритолмаган. Завқ ва орзулар зинапоёга ўхшайди. Зиналар ўтириб дам олишга мослашмаган, аксинча. Уларнинг устидан босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва тақдир моҳиятини англаб етган зот нақадар бахтли!¹

Инсон—буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ, зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Бу дунёда юз мингларча нур кўрсалар ҳам, асл нурнинг ўзига қиймат бермайдилар. Агар кўзда бир нур бўлмаса, у бутун оламни тўлдириб турган нурни кўрмайди.

Пауло Коэлода:

Жамики одамлар ёшлиқ пайтлари ўз тақдирларини биладилар. Ана шу умр баҳорида ҳаммаси оддий ва ҳамма йўллар аниқ бўлади. Улар орзу қилишдан қўрқмайдилар. Ва нимаики истаклари бўлса, ўшани рўёбга чиқариш учун интиладилар. Аммо фурсат ўтиши билан сирли бир қудрат уларни ўз Тақдирларини рўёбга чиқариш мумкин эмаслигига ишонтира боради. Бу сирли қудрат одамзодга ғанимдай туйилади, аслида эса, ўз тақдирини рўёбга чиқариш Йўлини худди ана шу қудрат кўрсатиб беради.²

* * *

Румийда:

Сен ўз кадр-қимматинг ва тушунчанг билан икки оламга бадалсан. Аммо нима қила-йинки, ўз баҳонангни билмаётгирсан. Ўзингни арзонга сотма, чунки мартабанг улуғдир.¹

Пауло Коэлода:

Рўй заминдаги ҳар бир одам, у нима билан шуғулланишидан қатъий назар, дунё тарихида энг асосий вазифани бажаради. Одатда буни ўзи ҳам билмайди.²

* * *

Румийда:

Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида ҳам бўлган рухий бирликдан бир парчадир. Агар бир жисм таркибида оҳанрабо билан муштарак бир парча бўлмаса, у жисм ҳеч қачон оҳанрабо томон тортилмайди.

Пауло Коэлода:

Ҳар бир мавжудот ўз хазинасини изласин ва топсин ва шундан сўнг аввалгидан ҳам яхшироқ, мукамалроқ бўлишни истасин. Қўрғошин ҳам токи дунёга зарурати бор экан, ўз қисматиغا битилган вазифани адо этади, ана шундан кейин олтинга айланмоғи лозим.

* * *

Румийда:

Сенинг учун овқат емоқ ва ухламоқдан бошқа яна бир озиқ бордир. Вужудинг—сенинг отингдир. Дунё—от охури. Отнинг еми унинг эгасига емиш бўлолмайди. Унинг ўз емиши, неъматлари бор.

Пауло Коэлода:

Ёвузлик инсон оғзига кираётган нарсадан эмас, чиқаётган нарсадан туғилади. Одамизод руҳининг қуввати нигоҳида бўлади.

* * *

М А Н Б А Л А Р:

1. Жалолiddин Румий. Маснавий маънавий. Жамол Камол таржимаси. 6-жилд, Техрон, Ал-худо, 2004 йил.
2. Пауло Коэло. Алкимёгар. Азиз Саид таржимаси. Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти, 2004 йил.
3. Мавлоно Жалолiddин Румий: Таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогра. қўлланма. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси; Тузувчи У.Тешабоева; Ўзбекистон Миллий концерни нашри, 2007 йил.

Баҳром Умаров / _____ /

**Сурхондарё вилоят педагог кадрларни қайта таяёрлаш ва малакасини ошириш институтининг доценти, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.
22.04.2009 йил**